

ФАЛСАФА ВА ХУКУК

ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК

ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ,
ФАЛСАФИЙ - ХУҚУҚИЙ ЖУРНАЛ

2
2020

FALSAFA va HUQUQ
ФИЛОСОФИЯ u ПРАВО
PHILOSOPHY and LAW

ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал
2020/2 (№16)

“Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир”.

Чиндан ҳам, бугун биз улуг ниятлар билан пойдевор қўяётган янги Ўзбекистон даври мамлакатимизда мана шундай улкан бойлик яратилишига, халқимизнинг ҳаётини фаровон қилишига ва келгуси авлодларга ўзимиздан муносиб мерос қолдиришига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

Журналимизнинг мазкур сонида Ўзбекистон миллий университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёт тамойилларини амалга ошириш жараёнининг долзарб масалалари” мавзuida 2020 йил 17 июнда ташкил этилган илмий-амалий анжуман материаллари ҳам чоп этилмоқда.

Таҳрир хайъати:

М.Н.Абдуллаева -
ф.ф.д., профессор
Б.Т.Тўйчиев –
ф.ф.д., профессор
Ж.С.Раматов –
ф.ф.д., профессор
Г.Т.Маҳмудова -
ф.ф.д., профессор
Й.О.Жўраев -
ю.ф.д., профессор
Қ.Н.Назаров –
ф.ф.д., профессор
Р.Ж.Рўзиев -
ю.ф.д., профессор
А.Ў.Ўтамурадов -
ф.ф.н., профессор

Бош муҳаррир:
А.Г.Муминов –
с.ф.д., профессор

Муассис: Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Таҳририят манзили: 100095 Тошкент шаҳар,
Университет кўч., 4.

www.falsafavahuquq-jurnal.nuu.uz

E-mail: falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz

Босишга 30.12.2020 да берилди

Бичими 60x84 Ofset қоғози. ЎзМУ босмахонасида
ризографда босилди. “Times” гарнитураси. Хажми 23,75 б.т.
Нашриёт ҳисоб табағи 23,75. Адади 60 нусха.
Бююртма №06

Журнални нашрга тайёрловчилар
Қ.Назаров, А.Муминов, Х.Соқиев

“МИЛЛАТ” ТУШУНЧАСИ МАЗМУН-МОҲИЯТИГА ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛАР

Алимухамедова Н. –

ТИҚХММИ катта ўқитувчиси

Дунёдаги ҳар бир инсон, миллат, жамият маънавияти ва мафқурасининг реал ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, тарихий асос-манбалари ҳамда уни ривожлантириш усул-воситалари ўзига хосдир. Масалан, баъзи халқларнинг маънавияти, миллий ғурури, кўп жиҳатдан, улар яшаётган мамлакат (давлат)нинг моддий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий куч-қудратига асосланса, бошқа баъзилариники, умуман, маънавий-маданий жараёнлар билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан бизнинг халқимизда миллий маънавият ва мафқуранинг шаклланиб, ривожланишида ўтмиш ва бугунги маънавий-маданий жараёнлар асосий роль ўйнайди. Умумлаштириб айтганда, миллий мафқура Ғарбда рационал манфаатдорликка, Шарқда миллий анъанавийликка асосланади.

Кейинги тўрт-беш асрлар мобайнида баъзи миллатларнинг мафқуралари, асосан, умумий ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда бошқа миллатларга раҳна солувчи улғу миллатчилик ва буюк давлатчилик шовинизми руҳи билан бирга шаклланиб, тараққий қилган бўлса, Шарқдаги деярли барча халқлар анъанавий миллийликни сақлаб, муҳофаза қилишга қаратилган ижобиймиллий мустақиллик ва тараққиёт ғоялари билан ривожланиб келмоқда. Бинобарин, ҳар бир халқнинг ғоявий, маънавий-мафқуравий тараққиёти ўзига хос реал ижтимоий-тарихий асосларга эга бўлиб, унинг ривожланиб, юксалиши ёки пасайиб, барҳам топиши тўғридан-тўғри ана шу омилларга боғлиқ.

Умуминсоний тараққиётда ва алоҳида мамлакатлар ҳаётида этномиллий омилнинг аҳамияти ортиб бораётган бир даврда айрим тадқиқотчилар этномиллий жамоаларнинг объектив мавжудлигини инкор этган ҳолда, улар сиёсий восита ва мафқуравий афсона, деб таъкидламоқдалар. Бу эса ижтимоий фалсафа, социология, сиёсатшунослик соҳаларида этнос, халқ, миллат хусусиятларини умумлаштириш, миллий борлиқ, миллий идентификация, миллий ғоятушунчасини чуқур таҳлил этишни тақозо этади.

XX аср охири ва XXI аср бошларидаги сиёсий, иқтисодий, маънавий ўзгаришлар, глобаллашув шароитида миллий идентификацион жараёнларнинг кучайиши, этногенез ва миллатнинг келиб чиқиши масалаларини ўрганишда мавжуд методларнинг етарли натижа бермаслиги, янги парадигмал ёндашувларни тақозо этади. Бу борада Ғарб фалсафасидаги мавжуд концепцияларни таҳлили янги парадигмал ёндашувни шакллантиришга ижобий маънода фундамент яратиши мумкин. XX асрнинг охиридан бошлаб Ижтимоий-гуманитар фанлари тизимида шаклланишни бошлаган социал антропология йўналишига интеграциялашув натижасида этномиллий масалаларни ўрганишда бир қанча концепциялар шаклланган. Уларнинг орасида постмодернистик ва примордиалистик оқимлараро дискурс кучайиб бормоқда.

“Миллат” мураккаб характерга эга бўлган этник бирлик ҳисобланади. Шунинг учун унга таъриф беришда бугунги кунгача мавжуд бўлган илмий-фалсафий адабиётларда яқдиллик йўқ. Лекин уларни умумлаштирувчи томонлар алоҳида қайд этилади. Фалсафа қомусий луғатида миллат тушунчасига замонавий таъриф берилади. Жумладан, унда “миллат - бу тил, маънавият, миллий ўзликни англаш, руҳият, урф-одатлар, анъаналар ва кадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи ижтимоий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлигидир” - дейилган. Шунингдек, бошқа хорижий адабиётларда миллат деганда сиёсий ва этник муносабатларга киришувчи тили, ўз-ўзини англаш фаолиятига эга бўлган халқ тушунилиши таъкидлаб ўтилган. Мазкур манбада миллат ҳақидаги концептуал қарашлар К.Дойч (Национализм ва ижтимоий коммуникация), Э.Гелнер (Нация ва национализм), Б.Андерсон, Э.Смит томонидан илгари сурилганлиги ҳам алоҳида қайд этиб ўтилади. Улардаги асосий эътибор миллатнинг турли ўзига хос ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатларига қаратилади. Бироқ, уларда миллатнинг шаклланишидаги ижтимоий-маънавий жараёнлар эътибордан четда қолганлигини ҳам кузатишимиз мумкин. Яна бир адабиётда миллат тушунчаси давлат

тушунчасига узвий боғлиқлиги, ўз худуди, чегарасига эгаллиги, бошқа миллат вакиллари манфаатларини ҳурмат қилиши кабилар билан ифодаланиши кўрсатиб ўтилган.

Тарихга назар ташласак Ғарбий Европада «миллат» XV-XVI асрларда маданият ва тил бирлигига асосланган жамоа тушунчаси сифатида вужудга келди. Миллатни замонавий талқинда тушуниш XVIII аср Буюк Француз революциясидан кейин, миллий ўзликни англаш жараёни билан ҳамнафасликда шаклланган. Миллат шаклланиши ва у тўғрисидаги мунозаралар, этномиллий назарияларга тегишли адабиётлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан яратила бошланди. Хусусан, К.Маркс ва Ф.Энгельслармиллат шаклланишини капитализм жамиятининг вужудга келиши билан боғлайдилар ва миллий қарама-қаршиликнингманбаи синфлар ўртасидаги қарама-қаршилик деб кўрсатади. Марксизм миллат шаклланишида иқтисодий омилни етакчи деб билиб, формацион ёндашув нуқтаи назаридан таҳлил этган.

XIX асрнинг охирида этнос, этниклик, миллат тушунчаларининг таърифигаикки хил ёндашув вужудга келди. Уларни шартли равишда «этник» («немисларники») ва «сиёсий» («французларники») ёндашувлар деб классификациялаш мумкин. Миллат таърифига «этник» ёндашиш немис файласуфи И. Гердер ва немис романтиклари асарларида ўз ифодасини топган. И. Гердер фикрича «миллатлар умумий келиб чиқиш, умумий маданиятга эга бўлган инсонларнинг табиий уюшмаси бўлиб, «миллий руҳият»ни ўзида акс эттиради ҳамда «қон ва замин» бирлиги асосида вужудга келади. Файласуф миллатнинг ўзига хос дунёқараши, умумий маданий қадриятларинимиллат шаклланишининг асосий омилли деб билган. Гердер миллат шаклланишининг табиий, тарихий жиҳатлари, умумий маданиятига урғу берган ҳолда примордиал қарашларнингасосини яратди.

Француз олими Эрнест Ренан 1882 йил 11 март Сорбон университетида «Миллат нима?» мавзусидаги маърузасида: «Миллат — буётган даврдаги қурбонликларва келажакдаги қурбонликлар эвазига шаклланган буюк ҳамжихатликдир», деб таърифлайди. Унинг фикрича, миллат юрагида алангаси бор, ўтқир тафаккур эгалари – инсонлар онгининг маҳсулидир.

Постсовет муҳитида постмодернизм – этнослар тараққиётини социал антропология йўналишида ўрганувчи оқимва примордиализм – этнослар тараққиётини рус этнология мактаби анъаналари асосида эътироф этувчиоқимлар баҳслари туфайли этнос, этниклик, миллат шаклланиши, миллий идентификация масалалариниўрганилишига бўлган эҳтиёж ортди.

Советлар даврида этнос ва миллат шаклланиши масалаларига бўлган қизиқиш ва бунинг натижаси сифатида илмий изланишларXX асрнинг 60-йилларида авж олди. БунгаЮ.В. Бромлей, В.И. Козлов, В.П. Алексеев, Л.Н. Гумилевларнинг тадқиқотлари яққол мисол бўла олади.Рус этнологик мактабининг вакили Ю.В.Бромлей этнос, миллатижтимоий уюшмаси тарихий жараёнларнинг натижаси, ижтимоий тараққиёт маҳсули деб таъкидлаган.

Примордиализмнинг социобиологик йўналиши вакили америкалик социолог ва социал антрополог Пьер ван ден Берге миллатнинг биоэнергетик табиати ҳақида таълимот яратди. Унинг фикрича этносларнинг мавжудлиги инсонларнинг биологик моҳиятидан келиб чиқан заруриятдир.Рус олими Л.Н. Гумилев ҳам биологик примордиализмнинг варианты сифатида «этникмайдон» гипотезасини (пассионар назария) илгари сурди. Л.Н.Гумилев фикрича «Этнос – кишиларнинг табиий равишда шаклланган уюшмаси бўлиб, аъзолари ўзига хос хулқ-атвор стереотипларига эга. Улар ўзини аналогик уюшмаларга қарама-қарши кўядилар, бу қарама-қаршилик эсаумумий комплиментарлик – этногуруҳлардаги ўзаро ҳурмат-эътибор ҳисси билан белгиланади». Комплиментарлик асосида эса «этникмайдон» ётади. Л.Н. Гумелёвнинг таъкидлашича этнослар яхлит система сифатида мавжуд бўлиб, этник тизим –суперэтнослар таркибига киради, ўз ўрнида этноснинг элементлари – субэтнослар, конвикциялар, консорцилардан иборатдир.

Постмодернизм оқимлари орасида конструктивизм коцепциялари алоҳида диққатга сазовардир. Конструктивистик ёндашув этнос ва миллатни сунъий тузилма, инсонларнинг мақсадга қаратилган фаолиятининг натижаси сифатида таърифлайди. Таниқли инглиз олими Эрнест Геллнер «миллатни инсон яратган, миллат инсон онгининг маҳсулидир», «миллат илмий конструкция бўлиб, ўта эмоционал ва сезиш, англаш қийин бўлган «блок»лардан тузилган. Булар

жамоага дахлдорлик ва бирдамлик ҳисси, умумий мерос ва ихтиёрий идентификация, танлаш ҳуқуқи»дир, деб таъкидлайди. У миллатларни реал ва потенциал миллатларга бўлади. Э.Геллнер фикрича юксак маданиятга, ўз давлатчилигига эга бўлган миллатгина реал миллатдир. Миллатлар индустриалаштириш, ишлаб чиқариш усули, бозор иқтисодиётининг маҳсули бўлсада, улар билан бир қаторда маданият ва маданиятдаги фарқлар, тафовутлар» замонавий миллатларни дунёга келтирувчи ва белгиловчи» омилдир, деб таъкидлайди олим.

Ўзининг «Тасаввурдаги ҳамжамиятлар» номли фундаментал тадқиқотида Б.Андерсен миллатни «тасаввурдаги сиёсий ҳамжамият» сифатида характерлайди. «Тасаввурдаги ҳамжамият» яъни миллатнинг вакиллари ўзаро бевосита алоқа ўрнатмайдилар, шунинг учун ҳам миллатнинг шаклланиши ҳам, мавжудлиги ҳам бизнинг тасаввуримизда. Тасаввурлар – ёлғон эмас, аксинча у ижод натижаси, яратилиш демакдир.

Бу ўринда таникли рус олими Н.Бердяевнинг куйидаги фикрини келтириш мақсадга мувофиқдир: «Ҳар бир миллат ўз давлатини барпо этиб, унинг куч-қудратини ошириш, мустаҳкамлаш ва кучайтиришга интилади. Бу миллатнинг соғлом инстинктидир... Давлат мустақиллиги, суверенлигини йўқотиш эса миллат учун энг катта бахтсизлик, кўнглини хасталовчи оғир дард».

Хуллас, ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз маданий меросини ўзи босиб ўтган тарихий тараққиёт жараёнида яратади. Бу маданий меросдан хабардорлик инсонда тарихий тафаккурнинг шаклланишига ёрдам беради. Бу маданий мерос ёдгорлиги қайси даврга мансублиги, унда шу давр кишиларининг дунёқарashi, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, урф-одатлари, эътиқоди ёки бир сўз билан айтганда юрт тарихи ўз аксини тошган бўлади. Миллатлараро муносабатларни тўғри йўналтириш турли миллат ёки элат вакилларининг қундалик ҳаёт эҳтиёжларини қондириш ва ўзлигини англаш йўлида ўзаро ҳамжиҳатликда олиб борадиган онгли ва амалий фаолияти, тафаккур даражаси, ҳаёт тарзи, умуминсоний муносабатларнинг намоён бўлиши билан боғлиқ элементларни шакллантиришга хизмат қилади. XXI асрнинг бошларида глобал муаммоларнинг кескинлашиб кетиши, геосиёсий, экологик, этник, миллий муносабатларидаги муаммолар ўтган асрнинг охириги ўн йиллигида миллат, миллий идентификация жараёнлари масаласига тегишли тадқиқотларнинг катта оқимини юзага келтирди. Бу борада Ғарб файласуфларининг этномиллий концепциялари, миллий идентификацион жараёнлар хусусидаги қарашларива унга дахлдор фикр-мулоҳазаларини қиёсий ўрганиш ва шу нуқтаи-назардан Ўзбекистондаги миллий идентификацион жараёнлар истиқболини прогностлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, миллий ўзликни англаш миллатни маънавий қимликка эришиши, давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, миллий тараққиётнинг асосий омилларидан биридир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Фалсафа комусий луғат. Қ.Назаров таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2004.
2. Новейший философский словарь. – Мн.: Изд. В.М. Скакун, 1998. - 460 с.
3. Эрнест Геллнер. Нации и национализм. — М.: Прогресс, 1991.
4. Андерсон Б. Воображаемые сообщества. Размышления об истоках и распространении национализма. — М.: Канон-Пресс-Ц, 2001.
5. Философский энциклопедический словарь. – М.: ИНФРА – М, 1999. – 291 с.
6. Van den Berghe P. Race and Ethnicity: Sociobiological Perspective// Ethnic and Racial Studies. Ibid. P. 407.

РЕЗЮМЕ:

Мақолада этнос ва миллат тушунчаларининг парадигмал ва методологик таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, Ғарб олимлари томонидан ҳозирги давргача яратилган этнос ва миллат тушунчаларининг методологик асосларига оид назариялар ва концепциялар таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: этнос, миллат, миллий муносабатлар, примордиализ, пассионар назария, тил, маънавият, миллий ўзликни англаш, руҳият, урф-одатлар.

РЕЗЮМЕ:

В статье особое внимание уделяется парадигмальному и методологическому анализу концепций этноса и нации. Также были проанализированы теории и концепции, связанные с методологической основой концепций этноса и нации, созданные западными учеными на сегодняшний день.

Ключевые слова: этнос, нация, национальные отношения, примордиализм, пассионарная теория, язык, духовность, национальная идентичность, обычаи.

RESUME:

The article pays particular attention to the paradigmatic and methodological analysis of the concepts of ethnos and nation. Theories and concepts related to the methodological basis of the concepts of ethnos and nation had been analyzed, as well. Which were created by Western scientists nowadays.

Keywords: ethnos, nation, national relations, primordialism, passionate theory, language, spirituality, national identity, customs.

МУНДАРИЖА:

| | | |
|---|---|----------------|
| Якубов Б. | Ўзбекистон Президентининг парламентга мурожаатномаларида мамлакат партиявий тизимини ривожлантириши масалалари | 2 |
| Назаров Қ., Нишонбоева Г. Раматов Ж.С. | Ўзбекистоннинг янги қиёфаси ва маданий инновациялари | 7 |
| Ўлжаева Ш.М. Туйчиев Б.Т., Бектаева Н.Т., Рахимшикова М.К. Хаитов Э.Б. | Миллий қадриятлар –жамиятимиз барқарорлиги ва ёш авлод тарбиясининг муҳим омили Амир Темурнинг бош қўмондони Жаҳоншоҳ Баҳодур тарихи Воззрения Абая Кунанбаева о нравственном совершенствовании человека. | 12 16 20 |
| Усманов М.Ш | Жамиятни янгилаш сиёсатида маънавият соҳасидаги ислоҳотларнинг ўрни К вопросу об определении понятия «гражданское общество» | 23 28 |
| Қалқонов Э. | Баркамол инсон ватанпарварликнинг бош субстанционал компоненти-субъекти сифатида | 33 |
| Джавакова К.В., Рахимова Ш.М. Кўйчиев Т., Рахмонбердиева Н.Б. Мирзоқулов И | Воспитание толерантности – средство борьбы с терроризмом и экстремизмом Ёшларда фуқаролик маъсулиятини шакллантириши Глобаллашув даврида таълимнинг илмий-методологик муаммолари | 37 41 45 |
| Қандов Б.М. | Глобаллашув: инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинлиги тамойиллари | 49 |
| Муқимов Б. | Инсон маънавиятини юксалтириши омиллари ва фуқаролик жамияти | 53 |
| Алимухамедова Н. Саитқосимов А. | “Миллат” тушунчаси мазмун-моҳиятига қисқача изоҳлар Илм-фан ва олий таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг фалсафий асослари | 57 61 |
| Абдуназаров С. Ботирова Ҳ. Э. | Ёшларга оид сиёсат - халқаро ҳамкорликнинг муҳим омили Мустақилликнинг дастлабки йилларида малакали мутахассислар тайёрлаш зарурати | 65 69 |
| Тагаев Г.Х. | Шахс эстетик дунёқарашини шакллантиришнинг этнопедагогик асослари | 73 |
| Куанишова Д.Т. | Хотин-қизлар мавқеини оширишнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили | 77 |
| Мамадаминова Б.А. | Ўрта Осиё халқлари ривожидида сувчилик анъаналарининг роли | 81 |
| Мамаджонова М. Қ. | Ижтимоий тараққиётда тасодифнинг конструктив жиҳатларига синергетик ёндашув | 86 |
| Мардонов Б.М.– | Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига инновацион ёндашувнинг долзарб масалалари | 90 |
| Кучаров Б. | Замонавий кадрлар тайёрлашда халқаро ва миллий тажриба | 94 |
| Мўминов Ж. | Сиёсий коммуникация концепцияси: тарихий ва замонавий масалалар | 97 |
| Палванов И.Т. | Пенитенциар тизимнинг мақсадлари: тузатиш, ресоциализация, қайта тайёрлаш масалалари | 101 |